

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“КЕЛИШИЛГАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Нотариал палатаси раиси**



_____ **Д. Ашуров**

2020 йил ___ май

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини
ошириш маркази директори**



_____ **А. Рахматов**

2020 йил ___ май

**“НОТАРИУС ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ”
курси бўйича**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(малака ошириш)

ТОШКЕНТ

*Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил 4 майдаги
йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (4-сонли
баённома).*

“Нотариус ходимларининг малакасини ошириш” курси бўйича Ўқув дастури.
– Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини
ошириш маркази. 2020. – 23 б.

Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил 24 январдаги 05-1113-сон Қарори
билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш
ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Тузувчилар: **А. Отажонов** - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази
директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор;
Л. Саидова – Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси
мудири, ю.ф.д.;
Ш. Хасанов – Юристлар малакасини ошириш маркази Фан,
инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими
бошлиғи.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази директори **А. Рахматов**;
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат
юримдик университети “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқи кафедраси” доценти в.б. ю.ф.д. **Г. Ахмедова**.

СЎЗ БОШИ

Ўқув дастурининг долзарблиги. Нотариус ходимларини қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши, нотариал идоралар фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга, шунингдек соҳага оид психологик билимларга эга бўлишига замин яратади.

Ўқув курсининг мақсади тингловчиларга нотариат фаолиятига оид қонунчиликдаги янгиликлар ва уларни такомиллаштириш истиқболлари ҳақида назарий ва амалий билимларни, шунингдек замонавий технологиядан фойдаланган ҳолда бериш ҳамда касбий кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш, натижаларини тўғри йўналтириш ҳисобланади. Бинобарин, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг сифати жамиятда нотариуснинг нуфузи ва обрўсини оширишга ёрдам беради.

Тингловчилар **контингенти** – ўқув дастури нотариуслар ва нотариус ёрдамчиларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

Дастлабки талаблар: тингловчилар олий юридик маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув курсининг ҳажми: малака оширишнинг муддати икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Умумий малака талаблари

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида амалиётда қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юридик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юридик муаммоларни холислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати;

тингловчининг ўқиш давомида олган билимлари, кўникмалари натижасида касбига доир масалаларни ечиш (шу жумладан тестлар орқали) қобилиятини ривожлантириш;

янги турдаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда зарур бўлган билим ва амалий тажрибаларни олиш;

Касбий малака талаблари

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

битимлар мазмуни, турлари ва уни тасдиқлашнинг умумий қоидаларини билиши;

меросга бўлган ҳуқуқ ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш;

эр-хотиннинг (марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотинга (эрга) умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш;

нотариус-медиаторлик вазифасини бажариш, далилларни таъминлаш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақни белгилаш, электрон ҳужжатнинг қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлаш;

ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш;

фуқаронинг тирик эканлиги, юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги, фуқаронинг муайян жойда эканлиги, фуқаронинг фотосуратда акс этирилган шахс эканлигини фактини, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари ва (ёки) бошқа ҳужжатларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш, пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш, ижро хатларини ёзиш, ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш;

нотариал ҳаракатлар бўйича давлат божи, ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари;

ер участкалари билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш;

амалиётда замонавий ахборот-коммуникация ресурсларидан тўғри фойдаланиш, ўрганиш ва такомиллаштириш, қобилиятини ривожлантириш юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги. Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил 24 январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон

Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сон Фармонида белгиланган талабларга мос келади.

Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари. Нотариус фаолиятинининг қонун устуворлиги, мустақиллиги ва бошқа демократик тамойиллари асосида амалга ошириши.

Нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан хусусий мулк эгалари ўз мулкни эркин тасарруф этиши ва ундан фойдаланишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича мақсадли вазифаларни амалга ошириш.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

Ўқув дастури фақатгина маъруза хусусиятига эга бўлган мавзулардан иборат бўлиб қолмай, машғулотлар кўпроқ амалиёт кўринишида олиб борилади.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун 72 соат ажратилган. Аудитория машғулотлари: маъруза – 22 соат, семинар – 22 соат, амалий машғулотларга – 22 ва якуний синов учун 6 соат ажратилган.

**“Нотариус ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курси
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

| № | Модуль ва мавзулар номи | Машғулотларга ажратилган соатлар | | | |
|---|---|----------------------------------|---------|-----------------|------|
| | | Маъруза | Семинар | Амалий машғулот | Жами |
| <i>1-Модуль. Ўзбекистонда амалга ошириляётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишида нотариал идораларнинг роли</i> | | | | | |
| 1. | Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари | 2 | - | - | 2 |
| 2. | Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун ва моҳияти | - | 2 | - | 2 |
| 3. | Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари | 2 | - | - | 2 |
| 4. | Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга | - | 2 | - | 2 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларининг (рўйхат рақами: 2020. 2019 йил 19 октябрь) мазмуни ва моҳияти | | | | |
| 2-Модуль. Нотариат соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти | | | | | |
| 5. | Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти | 2 | - | - | 2 |
| 6. | Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сонли “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг мазмуни ва моҳияти | 2 | - | - | 2 |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1049-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5984-сон фармонининг мазмуни ва моҳияти | 2 | - | - | 2 |
| 3-Модуль. Ўзбекистонда нотариат фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари | | | | | |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сон Фармонининг мазмуни ва моҳияти | 2 | - | - | 2 |
| 9. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 156-сон ва 2020 йил 4 апрелдаги “Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 199-сон қарорининг мазмуни ва моҳияти | 2 | - | - | 2 |
| 10. | Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сон ҳамда 2018 йил 10 майдаги 269-мх-сонли буйруқлари асосида) | 2 | - | - | 2 |
| 11. | Ўзбекистон Республикасининг Нотариал Палатаси ва худудий бошқармаларининг фаолияти | - | - | 2 | 2 |

| 4-Модуль. Нотариал ҳаракатлар, уларни амалга ошириш ва нотариал соҳадаги алоҳида ҳолатлар | | | | | |
|--|---|---|---|---|---|
| 12. | Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида ва эр-хотиннинг умумий мулкига (марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотинга (эрга) гувоҳномалар бериш | - | - | 2 | 2 |
| 13. | Битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари | - | 2 | - | 2 |
| 14. | Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш | - | - | 2 | 2 |
| 15. | Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни ва электрон ҳужжатнинг қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлаш | - | - | 2 | 2 |
| 16. | Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ер участкалари билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш (мерос, бузилишга тушган, аукционда сотиб олиш) | - | - | 2 | 2 |
| 17. | Масофадан туриб хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатлар | - | - | 2 | 2 |
| 18. | Нотариат фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари | - | 2 | - | 2 |
| 19. | Нотариал ҳаракатлар бўйича давлат божи, ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари | - | 2 | - | 2 |
| 20. | Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация ресурсларидан тўғри фойдаланиш (“Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими (“Нотариус” АТТ)) | - | 2 | - | 2 |
| 21. | Нотариал ҳаракатларни судларда бекор қилиш ва нотариуснинг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш билан боғлиқ муаммолар | - | 2 | - | 2 |
| 22. | Нотариус ходимларининг жавобгарлик (жиной, фуқаролик, маъмурий ва моддий) асослари ва турлари | - | 2 | - | 2 |
| 5-модуль. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, шу жумладан мулкӣ ва мерос масалаларида медиаторлик | | | | | |
| 23. | Ўзбекистонда медиация ишини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари. Мулкӣ ва мерос масалаларида нотариус-медиаторлик вазифасини бажариш. | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 24. | Нотариал фаолиятда оила ва меросга оид қонунчиликни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу муносабатларда медиациянинг қўлланилиши | - | 2 | - | 2 |
| 6-модуль. Нотариат фаолиятида халқаро-ҳуқуқий стандартлар | | | | | |
| 25. | Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда нотариус ходимларининг ўрни | 2 | - | - | 2 |
| 26. | Ўзбекистон Республикаси Консуллик муассасаларида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари | - | - | 2 | 2 |

| | | | | | |
|--|--|---|---|---|-------------|
| 27. | Нотариал фаолиятда халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш (Конвенциялар асосида). Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг бошқа хорижий давлатлар нотариал идоралари билан ўзаро ҳамкорлиги | - | 2 | - | 2 |
| 7-модуль. Нотариус ходимлари этикаси ва уларнинг касбий фаолияти психологияси | | | | | |
| 28. | Жамият этикаси ва ахлоқий чегаралар. Муомала маданиятининг асосий жиҳатлари | - | - | 2 | 2 |
| 29. | Нотариус ходимлар фаолиятида юзага келиши эҳтимол бўлган низоли ҳолатлар: салбий кайфият, стресс, аффект, фрустрация, касбий куйиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш | - | - | 2 | 2 |
| 30. | Низоли вазиятлар, вақтни бошқариш ва иш жараёнини самарали ташкил этиш. Низоларни ҳал этишнинг самарали усуллари | 2 | - | - | 2 |
| Якуний синов | | | | | 6 |
| Ж А М И: | | | | | 22 22 22 72 |

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-Модуль. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишда нотариал идораларнинг роли

1-Мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш. Маъмурий ислоҳотлар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислоҳ қилиш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга оид қарашлари ва ташаббусларининг ҳуқуқий асослари.

2-Мавзу. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳияти

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришлар. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қонунчиликдаги янгиликлар. Жамоатчилик палатаси ва унинг фаолияти асосий йўналишлари. Фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги. Қонун устуворлигини таъминлаш механизмлари. Авф институти-давлатнинг инсонпарварлик сиёсати намойиши. Суднинг мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш

борасида қабул қилинган қонунчиликнинг мазмун-моҳияти. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда амалга оширилган ислоҳотлар.

3-Мавзу. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари

Коррупция тушунчаси, келиб чиқиши ва ижтимоий хавфлилиги. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари. Коррупцияга қарши курашишни бевосита олиб боровчи давлат органлари. Коррупцияга оид жиноятларнинг турлари ва белгилари.

4-Мавзу. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларининг (рўйхат рақами: 2020. 2019 йил 19 октябрь) мазмуни ва моҳияти

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаси, моҳияти ва шакллари. Нотариуслар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни олдини олиш чоралари. Нотариусларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни била туриб легаллаштирганлиги учун жавобгарлик.

2-Модуль. Нотариат соҳасини тартибга соловчи қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти

5-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари. Маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари. Маъмурий иш юритиш. Маъмурий ҳужжат. Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш. Ижро ишини юритиш. Маъмурий регламентлар ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

6-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сонли “Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг мазмуни ва моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги қонунига киртилган ўзгартиш ва қўшимчалар. Нотариус бўлиши мумкин бўлмаган шахслар. Нотариус ёрдамчиси, стажёр, шунингдек нотариал фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ходимлар. Малака комиссиялари. Давлат нотариал идораси. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус. Нотариус мақомига эга бўлиш. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳамда бекор қилиш. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини сугурта қилиш. Нотариал идора ходимларининг ижтимоий таъминоти. Нотариус фаолияти устидан назорат ва мониторинг қилиш. Адлия

органларининг нотариат соҳасидаги ваколатлари. Медиатор вазифасини бажариш. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлаш. Электрон ҳужжатнинг қозғош шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлаш.

7-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1049-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5984-сон фармонининг мазмуни ва моҳияти

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш, прописадан чиқариш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари. Доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизими.

3-Модуль. Ўзбекистонда нотариат фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

8-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сон Фармонининг мазмуни ва моҳияти

Фармоннинг мақсади ва долзарблиги. Нотариат соҳасини тартибга солиш мақсадидаги “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими ва унинг имкониятлар. Давлат нотариал идораларини босқичма-босқич нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш масаласи. Нодавлат нотариал идоралар фаолиятини молиялаштириш манбалари. Ўзбекистон Нотариал палатаси ва унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари.

Янги нотариал ҳаракатлар. Янги тартиблар. Ягона электрон нотариал архив фонди. 2019-2021 йилларда нотариат институтини янада такомиллаштириш.

9-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 156-сон ва 2020 йил 4 апрелдаги “Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 199-сон қарорининг мазмуни ва моҳияти

Қарорнинг долзарблиги. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом. Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни ҳисоб рўйхатига олиш тартиби тўғрисида низом. Нотариал округдаги нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини белгилаш тартиби тўғрисида низом. Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Суғурта объекти ва субъекти, суғурта суммаси миқдори, суғурта қилдирувчи ва суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта муқофотини аниқлаш ва уни тўлаш тартиби, суғурталовчининг регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқи.

10-Мавзу. Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сон ҳамда 2018 йил 10 майдаги 269-мх-сонли буйруқлари асосида)

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 269-мх-сонли ҳамда 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сонли буйруқларининг мақсади. Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби. Стажировка ўталишини расмийлаштириш ва ташкил этиш. Стажёрнинг вазифалари. Стажёрнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Стажировка якунларини чиқариш. Стажёр билан меҳнат шартномаси (контракт).

11-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг Нотариал Палатаси ва ҳудудий бошқармаларининг фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги “Ўзбекистон нотариал палатаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сон қарорининг мазмун-моҳияти. Нотариал палатанинг ташкилий тузилмаси - Конференция, Бошқарув, Тафтиш комиссияси. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари. Нотариал палатанинг раиси. Нотариал палата бошқаруви аъзолари. Нотариал палатанинг устави.

4-Модуль. Нотариал ҳаракатлар, уларни амалга ошириш ва нотариал соҳадаги алоҳида ҳолатлар

12-Мавзу. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида ва эр-хотиннинг умумий мулкига (марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотинга (эрга)) гувоҳномалар бериш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сон қарори. Мерос ҳуқуқига оид низоли ишларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги. Меросга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришга тайёрлаш. Иш бўйича исботлаш ва далилларга оид

масалалар. Судлар томонидан мерос таркибига кирмайдиган мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал этиш. Меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг хусусиятлари. Меросхўрлар ўртасида ворислик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби.

13-Мавзу. Битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари

Кўчмас мулкларни тасарруф этиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатлар - низосиз фактларни тасдиқлашга қаратилган нотариал ҳаракатлардан иборат фуқаролик ҳуқуқи муносабат. Низосиз фактларни тасдиқлашга қаратилган нотариал ҳаракатларнинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари. Низосиз юридик факт ҳисобланган битимларни тасдиқлашнинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари. Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни нотариал тасдиқлаш тартиби. Уй-жойларни вақвартираларни ёки уларнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга қаратилган битимларни нотариал тасдиқлаш тартиби. Хусусийлаштирилган уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномаларни нотариал тасдиқлаш тартиби. Битимлар бўйича низоли муносабатни судда кўриш амалиёти.

14-Мавзу. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда нотариус ходимлари томонидан далилларни таъминлашнинг ташкилий асослари. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда нотариус ходимлари томонидан далилларни таъминлашнинг мазмуни ва моҳияти.

15-Мавзу. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни ва электрон ҳужжатнинг қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлаш

Яратилган муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектининг тақдим этилган вақтини тасдиқлаш. Патентга бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши. Ихтироларга патентлар олиш. Товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси. Электрон ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми.

16-Мавзу. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ер участкалари билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш (мерос, бузилишга тушган, аукционда сотиб олиш)

Ер участкаларини мерос қилиб қолдириш тартиби. Бузилишга тушган кўчмас мулкни мерос сифатида қолдириш. Ер участкаларини аукционда сотиб олиш ва уни расмийлаштириш тартиби. “E-IJRO AUKSION” орқали ер участкаларни сотиш ва расмийлаштириш тартиби. Ер ресурслари ва ерлардан оқилона фойдаланишда нотариат органларининг ўрни.

17-Мавзу. Масофадан туриб хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатлар

Масофадан туриб хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш механизми. “E-notarius.uz” ахборот портали ва унинг мобил иловаси.

Битимларни нотариал тасдиқлашни тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали видеоконференцалоқа режимида амалга ошириш. Масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали расмийлаштирилган ҳужжатнинг асл нусхасини буюртмачига курьер хизмати орқали етказиб бериш. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали идоравий нотариал архивида мавжуд бўлган ҳужжатларнинг электрон имзо билан тасдиқланган нусхасини олиш тартиби.

Нотариал хизматларни кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги устидан масофадан туриб назорат.

18-Мавзу. Нотариат фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Солиқ концепцияси мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикаси солиққа тортиш тартиблари ва уларни қўлланилишининг умумий қоидалари. Нотариал идоралар фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.

19-Мавзу. Нотариал ҳаракатлар бўйича давлат божи, ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Нотариал ҳаракатлар бўйича давлат божи тушунчаси. Давлат божларининг турлари. Давлат божининг ҳуқуқий асослари. Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар тушунчаси. Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун тўловлар. Давлат божи ва ҳуқуқий ҳамда техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун тўловларни ундириш.

20-Мавзу. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация ресурсларидан тўғри фойдаланиш (“Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими - “Нотариус” АТТ)

Нотариуснинг автоматлаштирилган иш жойи. “Нотариус – автоматлаштирилган ахборот тизими”. “E-notarius.uz” ахборот портали ва унинг мобил иловаси.

Битимларни нотариал тасдиқлашни тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали видеоконференцалоқа режимида амалга ошириш. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали идоравий нотариал архивида мавжуд бўлган ҳужжатларнинг электрон имзо билан тасдиқланган нусхасини олиш тартиби. Масофадан туриб хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш механизми.

21-Мавзу. Нотариал ҳаракатларни судларда бекор қилиш ва нотариуснинг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш билан боғлиқ муаммолар

Бажарилган нотариал ҳаракатларни суд томонидан ҳақиқий эмас топиш асослари (статистика ва суд амалиёти мисоли асосида). Бажарилган нотариал ҳаракат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганда нотариал ҳаракатнинг ҳуқуқий жиҳатдан тақдири ва оқибатлари.

22-Мавзу. Нотариус ходимларининг жавобгарлик (жиноий, фуқаролик, маъмурий ва моддий) асослари ва турлари

Нотариус ходимларининг жавобгарлик асослари ва турлари. Нотариус ходимларининг жиноий жавобгарлиги, уларнинг белгилари ва турлари. Нотариус ходимларининг маъмурий жавобгарлиги, уларнинг белгилари ва турлари. Нотариус ходимларининг фуқаролик жавобгарлиги ва уларнинг белгилари. Нотариус ходимларининг моддий жавобгарлиги ва белгилари.

5-модуль. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, шу жумладан мулкӣ ва мерос масалаларида медиаторлик

23-Мавзу. Ўзбекистонда медиация ишини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари. Мулкӣ ва мерос масалаларида нотариус-медиаторлик вазифасини бажариш.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг мазмун ва моҳияти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 31.01.2019 йил 54-мҳ-сон буйруғи. Адвокатура тўғрисидаги қонунчилигига киритилган ўзгартишлар. Медиаторлар фаолиятининг асосий йўналишлари. Медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Медиацияни қўллаш ва медиация тартиб-таомилини амалга ошириш.

Баҳс ва низоларни муқобил ҳал қилиш тизимида (АРС) медиация. Баҳс-низоларни ҳал қилишда медиациянинг ўзига хос хусусиятлари. Мулкӣ ва мерос масалалари бўйича медиация жараёнини ўтказишга тайёргарлик кўриш. Мулкӣ ва мерос масалалари бўйича медиация босқичлари. Мулкӣ ва мерос масалалари бўйича медиатив келишувни тайёрлаш. Медиациядан чиқиш.

24-Мавзу. Нотариал фаолиятда оила ва меросга оид қонунчиликни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу муносабатларда медиациянинг қўлланилиши

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг шакли. Никоҳ асосида оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Никоҳ шартномаси. Эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги келишув. Васият, васиятнома, меросхўр, қонун бўйича ворислик масалалари. Нотариал фаолиятда оила ва мерос муносабатлари бўйича медиациянинг қўлланилиши (амалий мисоллар асосида).

6-модуль. Нотариат фаолиятида халқаро-ҳуқуқий стандартлар

25-Мавзу. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда нотариус ходимларининг ўрни

Инсон ҳуқуқлари тушунчаси ва моҳияти. Инсон ҳуқуқларининг принциплари ва уларни амалга ошириш механизмлари. БМТнинг ихтисослашган ташкилотларида инсон ҳуқуқлари масаласи. Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўйича миллий механизм.

26-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Консуллик муассасаларида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари

Консуллик ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва моҳияти. Ўзбекистон Республикасида Консуллик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Консулнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан функциялари. Консуллар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби. Чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши. Халқаро шартномалар.

27-Мавзу. Нотариал фаолиятда халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш (Конвенциялар асосида). Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг бошқа хорижий давлатлар нотариал идоралари билан ўзаро ҳамкорлиги

Нотариал идоралар фаолиятини амалга оширишда халқаро ҳуқуқий ёрдам тушунчаси ва халқаро ҳуқуқий база (Икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар асосида). Нотариат фаолиятини амалга оширишда халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш (Минск, Кишинев ва Москва Протоколлари асосида). Ҳужжатларни легаллаштириш (Консуллик легаллаштириш). 1961 йил 5 октябрдаги Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Гаага Конвенциясининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси нотариус ходимлари фаолиятини амалга оширилишида ўзаро ҳамкорлик алоқлари асосида иш юритиши.

7-модуль. Нотариус ходимлари этикаси ва уларнинг касбий фаолияти психологияси

28-Мавзу. Жамият этикаси ва ахлоқий чегаралар. Муомала маданиятининг асосий жиҳатлари

Жамият ва жамият этикаси тушунчаси ва моҳияти. Этикет. Маданият. Муомала маданияти. Ахлоқий маданият. Касбий этика. Мулоқот, мурожаат, сўзлаш санъати, тинглаш маданияти. Нотариус ходимлари этикаси.

29-Мавзу. Нотариус ходимлар фаолиятида юзага келиши эҳтимол бўлган низоли ҳолатлар: салбий кайфият, стресс, аффект, фрустрация, касбий куйиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш

Шахснинг ҳиссий-иродавий ҳолатлари. Мотив. Мотивация. Ҳиссий иродавий ҳолатлар шакллари. Ҳиссий, эмоция, стресс, аффект, фрустрация. Шахс ҳислатларини аниқлаш. Шахс психодиагностикаси. Кадрни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Шахснинг ҳиссий-иродавий ҳолатаридан самарали фойдаланиш. Шахс ва шахслараро муносабатлар психологияси. Психологик алоқа ўрнатиш. Психологик алоқа усуллари ва механизмлари. Психологик тўсиқлар. Психологик ҳимоя механизмлари.

30-Мавзу. Низоли вазиятлар, вақтни бошқариш ва иш жараёнини самарали ташкил этиш. Низоларни ҳал этишнинг самарали усуллари

Шахслараро муносабатларнинг юзага келиши ва ривожланиши. Ўзаро идрок механизмлари. Шахслараро муносабат жиҳатлари, моҳияти, мазмуни. Низолар турлари. Шахснинг ҳиссий зўриқишли ҳолатлари. Стресс ҳолатлари ва уларни бошқариш. Шахснинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини-ўзи руҳий энгиллаштириш. Нотариат тизими низоларни олдини олишга қаратилган институт сифатида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ-3741-сон қарори асосида).

Ўқув дастурини ўзлаштириш бўйича методик тавсиялар

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва ҳ.к. ўтилишини назарда тутди.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг нотариал идоралар фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилди ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуй режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилди.

Семинарлар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва нотариал идоралар фаолиятини амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Амалий машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Нотариал Палатасида ёки нотариал идораларида ташкил қилинади. Амалий машғулотлар давомида тингловчилар нотариал идоралар фаолиятининг асосий касбий йўналишлари, нотариал ҳаракатлар бўйича йўл қўйилаётган хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли ҳаракатларни бажара олиш кўникмаларига эга бўлишлари ва улар бўйича амалий топшириқларни бажаришлари лозим.

Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Мустақил таълим жараёни муайян мавзу ва фанни ўрганиш давомида, мустақил таълим жараёнида амалга оширилади. Мавзунинг мазмунини ташкил этувчи саволлар тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўлиш мақсадида, тавсия этилган адабиётларни ўрганиб чиқишни маъруза машғулотида тайёргарлик кўриш билан бошлаш зарур, сўнг эса мустақил таълим пайтида мазкур методик қўлланмада кўрсатилган маъруза саволларини ўрганиб, уларнинг мазмунини чуқур тушунишга имкон бўлади.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар Марказ Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда мавжуд материаллар: дарслик, монография, ўқув қўлланма, илмий мақолалар, фонд маърузалари ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.

Ўқув материаллари:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва бошқалар).

Ўқув-методик материаллар:

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва бошқалар).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминои:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3” ва бошқа форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Сухбат шаклидаги якуний синов.

БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Нотариус ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курсидан сухбат шаклидаги якуний синовларни (синов ва сухбат қабул қилиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул қилиш учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар.

АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

1. *Шавкат Мирзиёев.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

2. *Шавкат Мирзиёев.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

3. *Шавкат Мирзиёев.* Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи . – 2016. – 7 декабрь.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.
9. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 2019.
10. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. №12, – 262-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий МАжлисининг Ахборотномаси, 1997. 2-сон, 42-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” қонуни. – Т.: ИПС. НОРМА. 2001 йил.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: ИПС. НОРМА. 2002 йил.
14. “Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат. 1273-сон, 18.09.2003 й.).
15. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” қонуни. Т.: ИПС. НОРМА. 2006 йил.
16. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июнь “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2010 йил 5 майдаги

ПФ-4216-сон Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари хақида”ги 104-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги “Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 223-мх-сон буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149).

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 308-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидалари.

20. Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 31 январь 2191-сон билан рўйхатга олинган, 2011 йил 31 январь Адлия вазирлигининг 21-сон, Ташқи ишлар вазирлигининг 1-сон қарори билан тасдиқланган).

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 05-сон қарори.

22. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 йил, 43-сон, 497-модда.

24. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

26. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони // 8 сентябрь 2017 йил.

28. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги “Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 269-мх-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 05 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-8).

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Солиқ концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони.

32. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги “Медиация тўғрисида”ги Қонуни.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 сентябрь “Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан “ягона дарча” тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 733-сон қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилга, рўйхат рақами 3114].

35. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги ЎРҚ-517-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сонли Фармони.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5837-сонли Фармони.

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 4 январь “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2-мх-сон буйруғи. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113].

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 апрелдаги “Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 199-сон қарори.

Қўшимча адабиётлар

1. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016.

2. Алимов Ғ.А. Мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси устидан жавобгарликни кучайтиришнинг долзарб масалалари. Хорижий ва миллий тажриба: Монография. – Т., 2017.

3. Марипова С.А. Медиация. Базовый курс. Основы применения медиации. – Т., 2019.
4. Масадиков Ш.М. Медиация-альтернативный способ разрешения гражданско-правовых споров. Учебное пособие. – Т., 2010.
5. Масадиков Ш.М. Проблемы правового регулирования медиации. Монография. – Т., 2014.
6. Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2014.
7. Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. - Т., 2013.
8. Национальные институты по правам человека: международные и региональные стандарты/ Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.: Baktria Press.
9. Нурматова М., Абдуллаева Н. Ахлоқий ва эстетик маданият / Ўқув-услугий кўлланма. - Т., 2013.
10. Нурматова М., Муҳаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари / Ўқув кўлланма. Масъул муҳаррир Б.Хусанов. – Т., 2013.
11. Psixologik atamalar ruscha – o‘zbekcha izohli lug‘ati /Psixol. fan. dokt., prof. G‘.B.Shoumarov tahriri ostida. /Тузувчилар: Соғинов Н.А., Нишонова З.Т., Каримов Х.К., Умаров Б.М., Усмонов Э.Ш. – Т., 2019.
12. Селиманова С.М. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти” марузалар курси. ИИВ Академияси. – Т., 2018. – 19 б.
13. Султонова Т.С. Нотариал ҳаракатлар бўйича юзага келаётган низоли муносабатлар ва уларни судда кўришнинг назарий-амалий муаммолари // - Т., - 2011. Илмий-амалий конференция материаллари. – Б.125-131.
14. Султонова Т.С. Нотариуснинг муайян нотариал ҳаракатларни нотўғри бажарганлиги устидан судга шикоят қилишнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари // – Т., 2009. Илмий-амалий конференция материаллари. – Б.174-179.
15. Султонова Т.С. Ўзбекистон Республикасида нотариат тўғрисидаги қонунлар ва уларни такомиллаштириш муаммолари. Монография. – Т.: 2011.
16. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномлар тўплами. О.Сулайманов, - Т., 2017.
17. Халқаро ҳуқуққа оид атама ва тушунчаларнинг глоссарийси. Л.Саидова, О.Сулайманов, - Т., 2016.
18. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. – Тошкент, ТДЮИ, 2010.

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: www.gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [http:// lex.uz](http://lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти www.ksu.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: www.supcourt.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz
8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: www.mvd.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: genprok.gov.uz
10. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.uz
12. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий Университети сайти: <http://www.nuu.uz>
13. Тошкент Давлат Юридик Университети сайти: <http://www.tsul.uz>.
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази сайти: <http://www.uzmarkaz.uz>.

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.

**“НОТАРИУС ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ”
курси бўйича**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(малака ошириш)

Мухаррир: Ҳ. Мўминов

**Босишга руҳсат этилди. 2020 йил “ ” май
Бичими . Буюртма № .
ЮМОМда чои этилди. Адади нусха.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристарни малакасини ошириш маркази нашриёти,
100052, Тошкент шаҳри, Катта Дарҳон кўчаси, 6